



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**9 (71) 2024**

**Сопредседатели редакционной коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**9 (71)**

**2024**

*сентябрь*

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com> E:

[ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

Received: 20.08.2024, Accepted: 02.09.2024, Published: 10.09.2024

ЎУК 616-053.5-0.71.43

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН ОНАЛАРДАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Турамуратова М.Б. <https://orcid.org/0009-0007-8767-8752>

Курбанова Н.П. Email: [KurbanovaN@mail.ru](mailto:KurbanovaN@mail.ru)

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,  
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: [info@urgfiltma.uz](mailto:info@urgfiltma.uz)

### ✓ Резюме

*Ўсиш ва ривожланиш жараёнлари ҳужайра даражасида содир бўладиган кўплаб метаболик жараёнларнинг натижасидир ва бу жараёнлар тана ҳажмининг ошишига, турли абзолар ва тизимларнинг фарқланишига ва шаклланишига олиб келади. Организмнинг, айниқса, ёш бола организмнинг ташқи муҳитга мослашиши қобилияти уларнинг жисмоний ривожланиши морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг умумийлиги билан белгиланади. Шу сабабли, тананинг антропометрик ва конституциявий кўрсаткичларини, турли ёш гуруҳларининг иқлимий ва географик ҳудудларда соматотипологик мансублигини баҳолаш, нафақат болалар ва ўсмирлар тиббиёти, балки экология ва гигиена соҳаларининг ҳам энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.*

*Калит сўзлар: тана узунлиги, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси, қорин айланаси.*

## АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ДЕТЕЙ, РОЖДЕННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ С ДИАБЕТОМ

Турамуратова М.Б. <https://orcid.org/0009-0007-8767-8752>

Курбанова Н.П. Email: [KurbanovaN@mail.ru](mailto:KurbanovaN@mail.ru)

Ташкентская медицинская академия Ургенчский филиал Узбекистан, Хорезмская область,  
город Ургенч, улица Аль-Хорезми, 28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: [info@urgfiltma.uz](mailto:info@urgfiltma.uz)

### ✓ Резюме

*Процессы роста и развития являются результатом многих метаболических процессов, происходящих на клеточном уровне, и эти процессы приводят к увеличению размеров тела, дифференцировке и формированию различных органов и систем. Способность организма, особенно организма ребенка раннего возраста, приспосабливаться к внешней среде определяется совокупностью морфологических и морфометрических показателей их физического развития. Поэтому оценка антропометрических и конституциональных показателей организма, соматотипологической принадлежности различных возрастных групп в климатогеографических зонах считается одной из важнейших проблем не только детской и подростковой медицины, но и экологии и гигиены.*

*Ключевые слова: длина тела, масса тела, окружность груди, окружность живота.*

## ANTHROPOMETRIC INDICATORS OF CHILDREN BORN TO DIABETIC MOTHERS

Turamuratova M.B. <https://orcid.org/0009-0007-8767-8752>

Kurbanova N.P. Email: [KurbanovaN@mail.ru](mailto:KurbanovaN@mail.ru)

Tashkent Medical Academy Urganch branch Uzbekistan, Khorezm region, Urganch city, Al-Khorazmi street 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: [info@urgfiltma.uz](mailto:info@urgfiltma.uz)

## ✓ Resume

*Growth and development processes are the result of many metabolic processes that occur at the cellular level, and these processes lead to an increase in body size, differentiation and formation of various organs and systems. The ability of the organism, especially the organism of a young child, to adapt to the external environment is determined by the totality of morphological and morphometric indicators of their physical development. Therefore, assessment of anthropometric and constitutional indicators of the body, somatotypological affiliation of different age groups in climatic and geographical areas is considered one of the most important problems not only of children's and adolescent medicine, but also of ecology and hygiene.*

*Key words: body length, body weight, chest circumference, abdominal circumference.*

## Долзарблиги

Тиббиёт ва инсон экологиясининг асосий назарий ва илмий - амалий муаммолари орасида атроф-муҳит омиллари таъсирига хос, ўзига хос бўлмаган ва конституциявий реакцияларни аниқлаш муаммоси муҳим ўрин тутди. Бутун инсониятнинг яшаши учун шарт-шароит яратиш, барқарор ривожланишни таъминлаш устувор вазифадир. Инсон ривожланишининг генетик дастурини тўлиқ амалга ошириш учун генотипга мос ижтимоий ва экологик шароитлар зарур.

Сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар соғлиғининг ёмонлашишининг асосий сабабларидан бири ҳомиладор аёлларнинг кўпайиши бўлиши мумкин, бу болалар саломатлиги даражаси ва мураккаб оилавий тарих ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади, бу эса диспансер кузатуви зарурлигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот мақсади:** Қандли диабетни бор аёлдан туғилган болаларнинг жисмоний ривожланишининг маълум динамикаси ва параметрларини ўрганиш.

## Материал ва усуллар

Бизнинг текширувларимизда Хоразм вилоятининг Урганч ва Гурлан туманидаги аҳолисидан бўлган 135 нафар болалар қатнашди. Гурлан туманида яшовчи болалар орасида 66 (шундан 38 ўғил ва 28 қиз), Урганч шаҳридан - 69 (ўғил болалар 35, қизлар 34) кузатилди. Ҳаммаси бўлиб 73 та ўғил бола, 62 нафар қиз болани ташкил этди. Назорат гуруҳини эса соғлом оналардан туғилган 35 нафар болалар ташкил этди.

## Натижа ва таҳлиллар

Кузатув гуруҳидаги оналар ёши бўйича тақсимланганида, қуйидаги натижалар олинди: 20 ёшгача бўлган оналар 13-(9,6%), 20 - 24 ёш - 48 (35,5%), 25 - 30 ёш - 39 (28,8%), 31 - 35 ёш - 23 (17,03%), 36 - 40 ёш - 10 (7,4%), 40 ёшдан ошган оналар - 2 нафарни (1,4%) ташкил этди.

Болаларни жинси бўйича ўрганишда ўғил болалар жисмоний ривожланишида қизлардан фарқ қилиши аниқланди. Улар вазни ( $p < 0,001$ ) ва тана узунлиги ( $p < 0,001$ ), кўкрак айланаси ( $p < 0,05$ ) ва бош айланаси ( $p < 0,05-0,01$ ) қиз болалар кўрсаткичларига нисбатан ошган. Ўғил болаларнинг танаси сезиларли даражада узунроқ ( $p < 0,001$ ), оёқ узунлиги ( $p < 0,01$ ), бош айланаси ( $p < 0,01$ ), елка кенглиги ( $p < 0,01$ ), қўл узунлиги ( $p < 0,05$ ), кўкрак қафаси айланаси ( $p < 0,01$ ) сезиларли фарқи қайд этилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуларни кўрсатдики, қандли диабет билан хасталанган оналардан туғилган 1 ёшли болаларда тана узунлиги 71 см дан 88,5 см гача, ўртача  $77,5 \pm 0,05$  см; тана вазни 10,2 кг дан 12,9 кг гача, ўртача  $10,76 \pm 0,35$  кг; бош айланаси 43,5 см дан 49,4 см гача, ўртача  $47,79 \pm 0,65$  см; кўкрак қафаси айланаси 45,3 см дан 49,9 см гача, ўртача  $47,79 \pm 0,5$  см; қорин айланаси 43,6 см дан 48,9 см гача, ўртача  $45,53 \pm 0,52$  см; оёқ узунлиги 33,6 см дан 36,6 см гача, ўртача  $35,7 \pm 0,76$  см гача, оёқ қафти 10,1 см дан 11,8 см гача, ўртача  $11,4 \pm 0,32$  см; елка кенглиги 27,1 см дан 30 см гача, ўртача  $27,8 \pm 1,05$  см; чаноқ кенглиги 40 см дан 46,7 см гача, ўртача  $44,9 \pm 0,28$  см; қўл узунлиги 28 см дан 32,9 см гача, ўртача  $29,96 \pm 0,9$  см ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ).

2 ёшли болаларда олиб борилган барча антропометрик текширувлар қуйидаги натижаларни кўрсатди. Бунда, 2 ёшли қиз болаларнинг тана узунлиги 70,2 см дан 98 см гача, ўртача  $82,78 \pm 0,35$  см; тана вазни 8,2 кг дан 15 кг гача, ўртача  $12,5 \pm 0,44$  кг; бош айланаси 47,6 см дан 56,3 см гача, ўртача  $49,3 \pm 0,56$  см; кўкрак қафаси айланаси 48,2 см дан 58,5 см гача, ўртача

51,13±0,31 см; қорин айланаси 44 см дан 53,5 см гача, ўртача 48,32±0,1 см; оёқ узунлиги 36,5 см дан 42,5 см гача, ўртача 38,39±0,75 см гача; оёқ кафти 10,7 смдан 17,2 см гача, ўртача 15,5±0,22 см; елка кенглиги 27,1 см дан 30 см гача, ўртача 27,8±1,05 см; чаноқ кенглиги 44 см дан 51,5 см гача, ўртача 46,91 см±0,3 см; қўл узунлиги 32,6 см дан 40 см гача, ўртача 35,52±0,55 см ташкил қилди ( $p<0,001$ ).

Ёши	Қандли диабетли она болалари				Назорат гуруҳи			
	ТУ	ТВ	БА	КҚА	ТУ	ТВ	БА	КҚА
1	76,76±1,02	10,1±0,12	47,07±0,20	48,76±0,21	76,32±0,09	10,88±0,21	47,07±0,13	48,76±0,21
2	83,6±0,45	12,9±0,31	48,3±0,13	51±0,18	83,64±0,01	11,6±0,11	48,3±0,21	51±0,18
3	99,5±0,28	16,2±0,25*	51,4±0,13	56,8±0,21*	98,8±0,10	14,4±0,20*	51,4±0,45	54,8±0,21*
4	110,5±0,40*	23,1±0,21*	54,14±0,6*	57,14±0,22*	109,85±0,12*	22,8±0,55*	53,14±0,19*	55,14±0,22*
5	113,75±0,32*	24,3±0,45*	57,07±0,25*	58,78±0,21*	112,64±0,2*	22,9±0,25*	56,07±0,13*	56,78±0,21*
6	116,69±0,25*	25,5±0,29*	58,23±0,21*	59,38±0,46*	115,2±0,15*	23,61±0,38*	57,23±0,77*	57,38±0,4*

*Эслатма: ТУ-тана узунлиги, ТВ-тана вазни, БА-бош айланаси, КҚА-кўкрак қафаси айланаси; \* $p < 0.05$  - 1-гуруҳ кўрсаткичларининг 2-гуруҳ болаларининг шу кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик фарқи.*

3 ёшли болаларнинг тана узунлиги турган ҳолатда 76,5 см дан 105,5 см гача, ўртача 89,4±0,66 см ни, тана вазни эса 8,5 кг дан 18,2 кг гача, ўртача 13,75±0,4 кг ташкил қилди. Бош айланаси 46,9 см дан 58,2 см гача, ўртача 51,51±0,11 см ни ташкил қилди. Кўкрак қафаси айланаси эса 49,3 см дан 62,2 см гача, ўртача 53,57±0,1 см; қорин айланаси 44 см дан 55,2 см гача, ўртача 59,4±0,5 см ни ташкил қилди. Қиз болаларнинг оёқ узунлиги ўлчанганида 46,4 см дан 53 см гача, ўртача 50,1±1,2 см гача; оёқ кафти 8,5 смдан 18 см гача, ўртача 15,25±0,6 см; елка кенглиги 25,1 см дан 29 см гача, ўртача 26,75±0,85 см; чаноқ кенглиги 54 см дан 62,9 см гача, ўртача 57,3 см±0,9 см; қўл узунлиги эса 37,5 см дан 42,3 см гача, ўртача 37,6±0,5 см ташкил этди ( $p<0,001$ ).

4 ёшли болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни кўрсатди, бунда тана узунлиги 97 см дан 102 см гача, ўртача 100,5±1,50 см; тана вазни 16,2 кг дан 19,1 кг гача, ўртача 17,25±0,20 кг; бош айланаси 49 см дан 52,5 см гача, ўртача 51,25±0,55 см; кўкрак қафаси айланаси 52 см дан 55,6 см гача, ўртача 53,3±0,17 см; қорин айланаси 54,1 см дан 62,2 см гача, ўртача 60±0,4 см; оёқ узунлиги 58,3 см дан 59,2 см гача, ўртача 59,2±0,3 см; оёқ кафти 15 смдан 19,5 см гача, ўртача 16,75±0,15 см; елка кенглиги 30,2 см дан 33,5 см гача, ўртача 31,75±0,56 см; чаноқ кенглиги 60,1 см дан 66,5 см гача, ўртача 63,5 см±0,1 см; қўл узунлиги 37,7 см дан 42,4 см гача, ўртача 43,16±0,6 см ( $p<0,001$ ).

5 ёшли болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни кўрсатди. Бунда, қиз болаларнинг тана узунлиги 97,5 см дан 108 см гача, ўртача 105,7±0,45 см, тана вазни 19,2 кг дан 30,5 кг гача, ўртача 28,33±0,45 см; бош айланаси 47,5 см дан 54,5 см гача, ўртача 52,07±0,1 см; кўкрак қафаси айланаси 52,2 см дан 56,4 см гача, ўртача 54,33±0,5 см; қорин айланаси 50,7 см дан 62,2 см гача, ўртача 54,64±0,4 см; оёқ узунлиги 50,5 см дан 57,2 см гача, ўртача 55,08±0,33 см; оёқ кафти 15,6 см дан 18 см гача, ўртача 16,9±0,27 см; елка кенглиги 28,2 см дан 32 см гача, ўртача 29,42±0,5 см; чаноқ кенглиги 64 см дан 66,2 см гача, ўртача 61,6 см±0,22 см; қўл узунлиги 38,5 см дан 50,1 см гача, ўртача 46,6±0,8 см ( $p<0,001$ ).

6 ёшли болаларда антропометрик текширувлар қуйидаги натижаларни кўрсатди. Бунда, қиз болаларнинг тана узунлиги 105,4 см дан 120 см гача, ўртача 111,1±0,55 см, тана вазни 19,4 кг дан 29,5 кг гача, ўртача 20,46±0,4 см; бош айланаси 48,3 см дан 53,5 см гача, ўртача 50,61±0,44 см; кўкрак қафаси айланаси 51 см дан 58,9 см гача, ўртача 54,53±0,8 см; қорин айланаси 50,6 см

дан 76,5 см гача, ўртача 69,61±0,5 см; оёқ узунлиги 55,7 см дан 63,7 см гача, ўртача 56,53±1,5 см; оёқ кафти 17 см дан 30,5 см гача, ўртача 18,76±0,81 см; елка кенглиги 28,8 см дан 38,4 см гача, ўртача 32,84±0,2 см; чаноқ кенглиги 58,2 см дан 75,2 см гача, ўртача 62,76 см±0,3 см; қўл узунлиги 37,2 см дан 48,6 см гача, ўртача 47,38±0,61 см ни ташкил қилди ( $p<0,001$ ).

### Хулоса

Қандли диабет касаллиги билан хасталанган оналардан туғилган чақалоқларнинг тана вазни соғлом болаларнинг тана вазнидан кўп ( $p<0,05$ ) ва  $3880 \pm 162,5$  г ни ташкил этди. Бундай болаларда тана узунлиги ҳам устунлик қилди, бу  $51,6 \pm 0,58$  см. Қандли диабет касаллиги билан хасталанган оналардан туғилган болаларнинг танасининг юкори ярми пастки ярмидан кўра кўпроқ ривожланганлиги кузатилди. Буни сезиларли даражада катта антропометрик кўрсаткичлар тасдиқлайди: кўкрак қафаси айланасининг нисбий қиймати ( $p<0,001$ ), бош айланси ва кўкрак қафаси айланаси ( $p<0,01$ ). Бу болаларда елка кенглиги ( $p<0,001$ ) устунлик қилди. Шундай қилиб, қандли диабет касаллиги билан оғриган оналардан туғилган болаларнинг тана вазнининг кўпайиши, тананинг юкори ярми ўлчамлари юкорироклиги ва нисбатан қисқа ўлчамли оёқлари билан ажралиб туради.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Акимбаева А. А., Сулейманова Н. А. Антропометрические показатели недостаточной и избыточной массы тела детей младшего школьного возраста в Республике Казахстан //Science. 2021;23:6.
2. Апресян С. В. и др. Экстрагенитальные заболевания и гестация: существует ли баланс риска и безопасности? //Акушерство и гинекология: Новости. Мнения. Обучения. 2017;3(17):49-60.
3. Аранович Т. И., Маркеева М. В. Морфометрические особенности черепа у детей //Бюллетень медицинских интернет-конференций. – Общество с ограниченной ответственностью «Наука и инновации», 2020;10(2):49-49.
4. Ахмедова С. М. и др. Антропометрические показатели физического развития у детей до 5 лет в Самаркандской области //Scientific Research in XXI Century. 2020; С. 250-258.
5. Баратова С., Ким О., Мавлянова З. Оценка антропометрических показателей и гармоничности физического развития спортсменок //Журнал вестник врача. 2019;1(4):40-42.
6. Бахритдинов Ш. С. и др. Актуальные проблемы гигиены окружающей и производственной среды в условиях Ферганской долины Узбекистана //Сборник научных трудов «Фундаментальные науки и практика. 2010;1(3):6-7.
7. Байтрак О. А., Мещеряков В. В., Тепляков А. А. Особенности показателей физического развития детей этнических хантов //Вестник СурГУ. Медицина. 2021;1(47):31-35.
8. Башарова Л.М. Гигиеническое обоснование мероприятий по оптимизации условий воспитания детей дошкольных образовательных учреждений: /Авторефер. дис. ... канд. мед. наук: – Т., 2018; 48 с.
9. Боровкова Н. П. и др. Этнотерриториальное разнообразие размеров тела новорожденных //Вестник Московского университета. Серия 23. Антропология. 2012;3:56.

**Қабул қилинган сана 20.08.2024**